

Жон ва ақлни яратган зот номи билан бошлайман

МАДАНИЙ ТУРИЗМ – ЭРОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ, ЯКДИЛЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИ МАҚСАДИДАГИ ОҚИЛОНА СТРАТЕГИЯ

Маданий туризм бир мамлакат халқининг турмуш тарзи, урф-одатлари, меъморчилиги, тарихи, маданияти ва цивилизацияси билан танишиш мақсадидаги саёҳат бўлиб, бундан жаҳон халқлари ўртасидаги алоқалар, дўстлик ва яқдилликни мустаҳкамлаш ҳамда ушбу халқларнинг иқтисодий тараққиёти ва фаровонлигини ошириш кўзланади. Туризмнинг бу тури узоқ тарихга эга бўлиб, мазкур соҳа мутахассислари унинг келажагини ёруғ деб билишади.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотлари ва статистикасига кўра, дунёдаги туризмнинг 37 фоизини айнан маданий туризм ташкил этади. Туризмнинг ушбу йўналиши ҳар йили ўртача 15 фоиз ўсишга эришмоқда.

Тарихий ва маданий муштаракликларга, муштарак урф-одатлар, тарихий обидалар ва улуғ тарихий шахсларга эга икки мамлакат – Эрон ва Ўзбекистон туризмнинг ушбу турида улкан улушга эга бўлишлари мумкин.

Эрон ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар тўғрисида сўз борганида шунчалик кўп маданий муштаракликлар ва ўхшашликларни кўрамызми, улар кўзга кўринмас кўприклар каби икки халқни бир-бирига боғлаб турадилар. Ўзбекистонга келган бирор бир эронлик ёхуд Эронга борган бирор бир ўзбекистонлик ўзини бегона юртда тургандек ҳис қилмайди. Бу икки мамлакат ўртасидаги тарихий боғлиқликдан далолат беради. Ўзбекистоннинг барча шаҳарлари эронликлар учун таниш бўлиб, Эронда Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Термиз ва Тошкент каби шаҳарларини билмаган, улар тўғрисида тарихий ёки бадиий асарларда ўқимаган киши бўлмаса керак.

Эроннинг Исфаҳон, Машҳад, Шероз, Язд, Кирмон, Табриз ва Нишопур шаҳарларидаги тарихий обидалар меъморчилик услублари Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Термиз, Тошкент ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги тарихий обидалар меъморчилик услубларига ўхшаб кетади. Ушбу икки халқнинг урф-одатлари, таомлари, турмуш тарзи, кўшиқлари ва мусиқасида ҳам кўплаб ўхшашликлар мавжуд.

Эронликлар ўтмишда ўз шеърларида Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Хива, Урганч ва Термиз каби шаҳарлар ва диёрларни куйлаганлар. Улар бугун Ўзбекистонга сафар қилиб, кишига бой хотиралар бағишловчи ушбу гўзал

шаҳарларни яқиндан кўриш имкониятига эгадирлар. Ҳар бир эронлик бир марта бўлсада ушбу шаҳарларни томоша ва зиёрат қилишга жудаям қизиқади. Мусо Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Паҳлавон Маҳмуд, Камолиддин Беҳзод, Султонали Машҳадий ва шу каби бошқа кўплаб буюк шахслар ҳар иккала халқ бирдек фахрланадиган сиймолар бўлиб, аслида бир қадимий дарахтнинг турли меваларидир. Ушбу халқлар маданияти, урф-одатлари, тарихий обидалари, турли-туман мевалари ва таомлари ҳар бир сайёҳнинг саёҳати учун муҳим озуқадир.

Бир пайтнинг ўзида тўрт фасл ҳукмрон бўладиган Эрон замини ўзининг ўрмонлар билан қопланган серёмғир шимоли, тропик ўрмонлар, маржон ороллари ва Форс қўлтиғининг мовий сувлари билан машҳур бўлган жануби, кўкка бўй чўзган тоғларга тўла қорли ва совуқ ғарби, кенг даштлар ва ҳосилдор ерларга тўла водийлардан иборат иссиқ об-ҳаволи шарқи ҳамда қумтепаларга эга жазирама чўлдан иборат бўлган маркази ҳар қандай қизиқиш ва йўналишдаги ўзбекистонлик турист учун ҳам ўта жозибали ва кизикдир.

Темурийлар даври меъморчилик санъати намуналарини Хуросон диёри, жумладан унинг Машҳад, Нишопур, Сабзавор, Сарахс, Кошмар ва Турбати Жом каби шаҳарларидаги ўша даврлардан сақланиб қолган тарихий обидалар орасида кўплаб учратиш мумкин. Улар ўзбекистонлик туристлар учун қизиқ ва жозибали бўла оладилар. Машҳаддаги Разавий ҳарами, Гавҳаршодбегим масжиди, Нодиршоҳ мақбараси, Тусдаги буюк шоир Фирдавсий мақбараси, Темурийлар даврига оид кўплаб экспонатлар сақланадиган Разавий музейи ушбу обидалар ва марказлардан айримларигина холос.

Нишопур Хуросоннинг энг қадимий, гўзал ва ям-яшил шаҳарларидан бири бўлиб, у шаҳар атрофидан қазиб олинадиган гавҳар ва феруза каби қимматбаҳо ва шифобахш тошларнинг шуҳрати жаҳонга ёйилган. Ушбу шаҳардаги Хайём Нишопурий, Атор Нишопурий, Фазл ибн Шозон ва Муслим Нишопурийларнинг маҳобатли мақбаралари, жоме масжиди, кўҳна музей ва карвонсарой ҳар бир сайёҳнинг хотирасида муҳрланиб қоладиган жозиблага эгадир.

Бухоро шаҳрида туғилиб ўсган буюк олим, табиб ва файласуф Эроннинг Ҳамадон шаҳрида абадий ором топган. Гўзал Шероз шаҳрини томоша қилиш, у ердаги Саъдий Шерозий ва Ҳофиз Шерозийларнинг мақбараларини зиёрат айланиш ҳамда ушбу икки буюк шоир ва мутафаккирнинг юксак даражали шеърлари ва қарашлари билан танишиш ҳар бир сайёҳ учун доимий ва унутилмас совға бўлиб қолгай.

Икки мамлакатнинг кўплаб шаҳарларидаги қадимий меъморчилик обидалари бир-бирига ўхшаш ва яқин. Масалан Самарқанддаги Регистон мажмуаси Исфаҳондаги гўзал ва ҳайратли Нақши Жаҳонга ўхшаб кетса, Язд

ва Хива шаҳарларининг тарихий ёдгорликлари кўп жиҳатдан бир-бирига яқин.

Эрондан ташқарида, хусусан Осиё қитъасида жойлашган шаҳарлар орасида Язд шаҳрига энг кўп ўхшайдиган шаҳар Хива шаҳридир. Хива ва Язд шаҳарлари бир-бирига жудаям ўхшаб кетадиган меъморчилик услубида ҳам ва пишиқ ғиштдан қурилган тарихий биноларга бой бўлиб, ҳар иккала шаҳарнинг тарихий масжидлар, мадрасалар, карвонсаройлар, миноралар ва анъанавий услубда қурилган уйлardan иборат мажмуалари бир бутун мажмуалар сифатида ЮНЕСКО ташкилоти томонидан Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган.

Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳарлардан биринчи бўлиб Хива шаҳри, Эрон ҳудудидаги шаҳарлардан эса биринчи бўлиб Язд шаҳри ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган. Хива «Очиқ осмон остидаги музей» номини олган бўлса, бу номни Язд шаҳрига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Дарвоқе, ҳар икки шаҳар муштарак бир маданий осмон остидаги музейлар бўлиб, буларнинг ҳар иккаласи ислом ва шарқ меъморчилиги шох асарлари ҳисобланадилар.

Эроннинг турли шаҳарларидаги меъморчилик услублари, турли-туман ҳунармандчилик маҳсулотлари, заргарлик буюмлари, хилма-хил ва ўхшаши йўқ таомлар, куй-қўшиқлар, миллий либослар, урф-одатлар, удумлар, меҳмондўстлик ва одамшавандалик ҳар бир сайёҳда катта қизиқиш уйғотади.

Икки мамлакат ўртасидаги тарихий ва маданий муштараклик, икки халқнинг бир-бири тўғрисида ижобий тасаввурга эгаллиги, Эрон ва Ўзбекистон аҳолисининг меҳмондўстлиги ва одамгарчилиги, ҳар иккала томон учун бирдек азиз ва улуғ бўлган буюк тарихий шахсларнинг мавжудлиги, ҳар иккала давлат раҳбарларининг хоҳиш-иродаси икки мамлакатнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш учун шарт-шароит ҳозирлайдиган омиллардан ҳисобланади.

Шубҳа йўқки, икки мамлакат – Эрон Ислom Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги маданий ва зиёрат туризмни ривожлантириш ўзаро манфаатларга асосланган оқилона стратегия бўлиб, ўзаро виза режимини бекор қилиш, ҳаво, темир йўл ва автобус қатновларини хилмахиллаштириш ва кенгайтириш ҳамда икки мамлакат туристик секторлари иштирокчилари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш каби механизмлар яратилишини талаб қилади.

Ҳамид НАЙЙИРОБОДИЙ

**Эрон Ислom Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси**